

**ИНСОН МЕҲНАТ
ФАОЛИЯТИНИНГ ФИЗИОЛОГИК-
ГИГИЕНИК АСОСЛАРИ.**

Режа:



Қишки мавсумда ортиқча иссиқлик йўқолмаслиги учун бинонинг ташқарига чиқиш жойларида икки эшикли тамбурлар (дахлизлар) бўлиши керак. Бино деворлари чангдан осон тозаланадиган ва керакли даражада иссиқликка чидамли бўлиши керак. Гигиеник талабларга асосан бинолардаги поллар сатҳи уларга бирлашган территория сатҳидан **150 мм** баланд бўлмоғи лозим. Поллар текис, силлик, фақат сирпанчиқ бўлмаслиги ва иссиқликни кам ўтказувчан бўлиши керак.

Соғлиқни сақлаш ва умумий овқатланиш хоналари

Корхоналарда лойиҳалаш даврида соғломлаштириш ва тиббиёт постлари, аёлларнинг шахсий гигиенаси учун алоҳида хоналар, душхона шунингдек иш вақтида дам олиш ва рухий чарчашни камайтирадиган хоналар ҳисобга олиниши зарур.

Агар корхонада бир иш сменасида 200 дан ортиқ ишчи ишласа умумий овқатланиш жойи, ундан кам ишчи ишласа овқат тарқатиш ёки буфет хонаси ҳисобга олинади.

Тиббиёт пунктлари ҚМҚ 2.09.04-87 қурилиш меъёрлари ва қоидаларига асосан, агар корхонада рўйхат бўйича ишловчиларнинг сони 50 дан 150 кишигача бўлса, унинг майдони 12 м² га, агар ишловчиларнинг сони 151 дан 300 кишигача бўлса, 18 м² га тенг қилиб олинади.

Ишлаб чиқаришдаги санитар ва гигиеник воситаларга қўйиладиган талаблар

- | | |
|------------------------------------|---------------------|
| ■ Хожатхона | 1/18 |
| ■ Сув крани | 1/8 |
| ■ Душ | 1/ 30 |
| ■ Гигиеник кабина
(қизлар учун) | 1/50 |
| ■ Ёритилганлик | 70-100 лк |
| ■ Ҳаво алмашиши | 1- 1,5 марта / соат |
| Сув таъминоти : | |
| ■ Қишлоқ жойларда | 40-60 л/киши |
| ■ Уйлар (дом) | 140-200 л/киши |
| ■ Марказлашган сув таъминоти | 300-400 л/киши |

Назорат саволлари

1. Микроиқлим кўрсаткичлари қандай катталиклар билан характерланади?
2. Терморегуляция жараёни нима ва унинг қанақа турлари мавжуд?
3. Инсон танасидан атрофга иссиқлик узатишнинг қанақа турлари бор?
4. Микроиқлим кўрсаткичларини меъёрлашда иш оғирлиги қанақа аҳамиятга эга?
5. Микроиқлим кўрсаткичлари қанақа меъёрланади?
6. Ҳаво босими қандай асбоблар билан ўлчанади?
7. Ҳаво температураси қандай асбоблар ва услубда ўлчанади?
8. Ҳаво ҳаракат тезлиги қандай асбоблар билан ўлчанади?
9. Ҳавонинг абсолют, максимал ва нисбий намликлари нима?
10. Нисбий намлик қанақа усуллар ва асбоблар билан аниқланади?